КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ БОШ ОМИЛ

Ш.А.Зокиров, Ш.Т.Аҳмедова

Мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масаласида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: *иқтисодий ислоҳотлар, бозор иқтисодиёти, бозор механизми, бозор, кичик бизнес, тадбиркорлик, рақобат.*

В статье рассматриваются вопросы создания благоприятных условий для развития малого бизнеса и частного предпринимательства в республике Узбекистан.

Ключевые слова: *экономические реформы, рыночная экономика, рыночный механизм, рынок, малый бизнес, предпринимательство, конкуренция.*

This article discusses the measures taken to create suitable conditions to improve the development of small business and private business in Uzbekistan.

Key words: *market economy, market mechanism, market, small business, enterprise, concern.*

Мустақил Ўзбекистон Республикасини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш амалга оширилаётган ҳозирги шароит содир бўлаётган туб иқтисодий ислоҳотларни, бозор иқтисодиётига ўтиш қонуниятларини билишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда хар бир жамият аъзоси олдида бозор иқтисодиёти қонуниятларини, унинг Ўзбекистон Республикасида қандай амалга оширилаётганини, бу қонуниятларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ва пировард натижасини, талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг сирларини билиб олиш каби вазифалар турибди.

Бозор иқтисодиётининг асл маъноси иқтисодиётни ташқаридан тартибга солиш тажрибасидан воз кечиб, ўз-ўзини бошқарадиган механизм яратишдир. Ана шу ўз ўзини тартибга солиб, йўналтириб, барқарор ўсиш суръатларини таъминлаб турадиган янги бозор механизмининг марказида инсон омили ётади. Бошқача қилиб айтганда, шундай сифатдаги кадрлар тайёрлаш керакки, у ўзида ҳозирги замон илмий-техник инқилоби ютуқларини мужассамлаштирган, пайдо бўладиган зиддиятларни бартараф қиладиган хусусиятларни шакллантирган бўлиши керак. Айни вақтда кадрлар ўзида юксак миллийлик, ўз Ватанининг имкониятларидан унумли фойдалана билиш хислатларини ҳам эгаллашлари даркор.

Президентимиз И.А.Каримов: “Ўзбекистон келажаги буюк давлат, деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий салоҳиятлар мавжуд. Энг муҳими – бу диёрда меҳнатсевар халқ ва истеъдодли ёшлар яшайди”,- деган эди” [6.95].

Ўзбекистон Республикасининг келажакда буюк давлат бўлиши кўп жиҳатдан ҳозирги кунда таълим-тарбия олаётган ёшларга боғлиқ экан, уларни ҳар томонлама етук кадрлар қилиб тайёрлаш, айниқса, илмий жиҳатдан ҳар қандай назарий муаммоларга ва хўжалик амалиётида пайдо бўладиган саволларга ижобий ёндаша оладиган, уларни ҳал этиш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда.

Миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари ҳар бир кишининг тадбиркорлик хусусиятларига эга бўлишини объектив тарзда тақозо этиш билан бирга тадбиркорлик мазкур ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашдаги бош омил эканини алоҳида таъкидламоқда. Макроиқтисодий барқарорлаштириш ва ривожланиш стратегияси нуқтаи назаридан ўтказилаётган институционал-таркибий ўзгаришлар энг аввало мулкчиликнинг давлат секторидами ёки хусусий сектордами, қатъи назар маълум бир таваккалчилик асосидаги тадбиркорлик фаолиятини бозор муносабатларини ҳаракатга келтиришнинг асосий шарти сифатида талқин этмоқда. Одатда, бирор иқтисодий категория тўғрисида сўз кетганда, унинг тарихий ретроспективадаги хусусиятларига алоҳида тўхталиш қабул қилинган.

Хўш, тадбиркорликнинг тарихий илдизлари қандай тузум ёки формацияларга бориб тақалади, деган мантиқий савол туғилади. Тадбиркорлик тушунчаси XVI асрдан бошлаб иқтисодчилар,

руҳшунослар, сиёсатшунослар диққатини ўзига жалб эта бошлади. Ж.Б.Сей, А.Маршалл, В.Зомбраб, Й.Шумпетер, Ф.Нойтлар тадбиркорлик илмининг асосчилари ҳисобланади.

XVIII асрнинг бошида иқтисодий назарияга биринчи бўлиб инглиз иқтисодчиси Р.Кантилон киритган эди. У тадбиркорликни фойда олиш чекланмаган ва баҳоси аниқ товарларни сотиб олади-ю, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлади, у тавакалчи, таклифни талабга мословчи деб баҳолайди.

Бизнес тушунчаси қачон, ким томонидан қандай вазиятда дастлаб ишлатилганлиги тўғрисида маълумотлар тарихий манбаларда деярли учрамайди. Лекин XVIII- XIX асрлардаги саноат инқилоби, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий тараққиёт Буюк Британияда юз берганини ҳисобга олиб, унинг ватани Англия деган тахминлар мавжуд. Бозор назариясининг қатор намоёндалари ва амалиётчи-бозоршунослар тадбиркорликка турли позициялардан таъриф берадилар. Хусусан, жаҳон илм- фанига юксак ҳисса қўшган Абул Косим Маҳмуд аз-Замахшарий шундай дейди:"Тадбиркорлик тақдиру қисматларда ғолибликка олиб келиш демакдир". Иқтисодий билимларнинг етук намояндаларидан бири Френк Найт эса:"Ҳали ҳеч қайси бир миллат савдо-сотиқ (яъни тадбиркорлик)дан талофот кўрган эмас",- деб, тадбиркорликнинг фақат тараққиёт омили эканига урғу беради.

Бизнинг Шарқ халкларида бозор тушунчаси нафақат тирикчилик ёхуд рўзғор ўтказиш воситаси, балки маънавий-маърифий тарбия макони сифатида ҳам шарҳланади. Негаки, Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё минтақасидан ўтиши, соҳибқирон Амир Темур тузукларида бозорлар аҳамиятининг тушунтирилиши ва Ибн Халдун каби чуқур иқтисодий тафаккур асосларини яратган уламоларнинг айнан Шарқда донг таратгани каби мисоллар бозорнинг, тадбиркорликнинг негизлари жуда ҳам узоқ даврларга бориб тақалишидан далолат беради.

Бозор назарияси ва амалиётининг ривожланиш босқичлари шунга далил бўлмоқдаки, тадбиркорлик халқларимизнинг тарихий бойлиги, мероси, қолаверса, фахри ҳамдир. Демак, айтиш мумкинки, бозор муносабатлари ҳам ва унинг амал қилишининг бош шарти бўлган тадбиркорлик ҳам кутилмаган янгилик, ёхуд топилма эмас. Ўзбекистонда ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг ривожланишини уч босқичга бўлишимиз мумкин:

1-босқич. 1917 йилга қадар бўлган даврни олишимиз мумкин. Ушбу давр майда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ жадал суръатларда ривожланиши билан характерланади. Бу давр қўл меҳнатининг юқори бўлиши билан фарқланиб, якка тадбиркорлик алоҳида ўрин тутади.

2-босқич. 1917 йилдан то 1990 йилгача бўлган давр. Бу вақтда марказлашган режали бошқариш ҳукм сурган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимотда давлат асосий ролни ўйнаган. Эркин тадбиркорлик фаолияти нисбатан чекланган. Ишлаб чиқариш экстенсив йўл билан ривожлантирилган. Ушбу босқичнинг биринчи ўн йилликларида кичик ва ўрта бизнес роли сезиларли бўлса-да, охирги йилларга келиб йирик корхоналар ҳукмронликни эгаллаган. Масалан, урушга қадар бўлган даврни олсак, Ўзбекистондаги жами ижтимоий маҳсулотнинг 70% га яқини кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келган эди.

3-босқич. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги йиллар. Бу даврнинг характерли томони иқтисодиётда "танглик" ҳолати ҳукм суриши, иқтисодиётни эркинлаштириш ва барқарорлаштириш бош вазифа қилиб белгиланиши, давлат томонидан уни амалга оширишнинг махсус механизми яратилиши шартлиги, унинг муҳим йўлларидан бири сифатида эркин тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши билан характерланади.

Буни шартли равишда тўртга бўлишимиз мумкин:

1-давр. Асосан, 90-йилларнинг бошига тўғри келади. Бу даврда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ҳуқуқий базаси ташкил этилди.

2-давр. Тикланиш (оёққа туриш) даври. 1999-2000 йилларни қамраб олади. Бу вақтда кичик ва ўрта бизнес корхоналари шакллантирилди. Уларнинг муваффақиятли ривожланиши учун шароит яратилди. Давлат томонидан тегишли ёрдамлар (имтиёзли ссудалар берилиши, вақтинча солиқлардан озод этилиши, сармоялар шакллантиришнинг жаҳон тажрибаларини қўллашга имкониятлар яратилиши) кўрсатилди. Бу давр мобайнида тадбиркорликнинг ривожлантирилиши эвазига кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши 25%га яқинни ташкил этди.

3-4 давр. Барқарорлаштириш ёки юксалтириш. Бу келгуси даврга тўғри келади. Мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан олға сурилган барча ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослар тадбиркорликнинг бош мақсади иқтисодиётни барқарорлаштириш ва уни келгусида юқори суръатлар билан ривожлантиришга қаратилди.

Жаҳон хўжалигида иқтисодий муносабатларнинг такомиллашиб бориши "тадбиркорликнинг мазмун-моҳиятини, амал қилиш географияси ва турларини тамомила бойитиб бормоқда. Бино-

барин, бозор иқтисодиёти тадбиркорлик эркинлигига, хусусий мулкчиликнинг амал қилишига ва рақобатчилик курашига асосланар экан, тадбиркорлик учун билим ёки амалий тажрибалар билан бир қаторда табиий салоҳият, қобилият ва, энг муҳими, қизиқиш керак бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодий муносабатлари тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у ўзида катта таваккалчиликка асосланган иқтисодий-молиявий, ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуини ифода этади. Хусусан, тадбиркор **сўзи** махсус луғатда соҳибкор, уддабурон киши, корхона эгаси каби ҳислатлар билан таърифланади [9.137). Компьютерлар бозорида етакчи ҳисобланган “INTEL” компанияси вице-президенти Эндрю Гроув эса: “Тадбиркорликда киши осойиш ва фароғат топадиган нозик иплар тизими бор” деб фикр билдиради. Иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Р. Кантильон, А. Тюрго, Ф. Кене, А. Смит ва Ж. Б. Сей асарларида ўз ифодасини топган. Бироқ ҳозирга қадар жамоатчилик фикрида “тадбиркорлик” тушунчасининг кўп маънолилиги сақланиб қолмоқда. Ушбу тушунча ҳақида илмий адабиётларда кўпинча унинг иқтисодий, ташкилий ҳамда руҳий тавсифлари эклектик тўпламидан иборат турли хил тасаввурлар мавжуд. Тадбиркорлик вазифасига доир муҳим жиҳатларнинг тарихий ўзгарувчанлиги билан бирга бу тушунчага янги маънолар киритилмоқда.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг муҳим аломати бирон бир шахс-тадбиркорлик фаолиятининг фойдали ёки зарарлилигини белгиловчи ноаниқлик омили ҳисобланган. Унинг ижтимоий- иқтисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанат ўрнатишга доир таваккалчилик фаолиятидир. Ҳозирга келиб тадбиркор фаолият доираси мазмунан, миқдор ва сифат жиҳатдан ҳам ўзгарди. Энди у маҳсулотни қачон, қанча, қаерга, ким учун ишлаб чиқариш керак деган масалаларни мустақил ҳал этувчига айланди.

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди. Ушбу соҳани ривожлантириш борасида Ўзбекистонда қулай шароитлар мавжуд:

- халқимизда янгича тадбиркорлик фаолиятини жорий этишга мойилликнинг юқорилиги;

- тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши Республика таълим тизимига мос келиши;

- ўзбек халқи даромадидан жамғармага ажратилган улушнинг юқорилиги;

- Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан мустаҳкам алоқаси мавжудлиги;

- меҳнатга ҳақ тўлаш ва аҳолининг сотиб олиш қобилияти нисбатан пастлиги;

- қулай сиёсий шароитнинг мавжудлиги.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини боса олмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлган аҳолини, ёшларни иш билан таъминлашда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан

таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари ва имкониятлари жуда катта. Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг муҳим йўналишидир.

Сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принцип жорий этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилди.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш қишлоқ жойларда энергия таъминотининг беқарорлигига, ишлаб чиқариш ва йўл инфратузилмасининг керакли даражада ривожланмаганига, текширувларнинг кўплигига, шунингдек, жойларда ижро интизомининг нисбатан пастлигига ҳалигача дуч келмоқда.

Бизнинг фикримизча тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун турли рухсатномалар бериш муддатларини янада қисқартириш, уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорлик йўлидаги ортиқча бюрократик ғовларни камайтириш зарур.

Адабиётлар:

1. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолотлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14 апрель 1999 йил.

2. “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25 декабрь 1995 йил.

3. “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг муҳофазаси ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21 январь 1994 йил.

4. “Тадбиркорликни, кичик бизнесни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 9 январь 1995 йил.

5. “Хусусий тадбиркорликни рағбатлантиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 1998 йил 9 апрель.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.:Ўзбекистон,1998

7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.– Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

8. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 17.01.2014 йил.

9. Ўлмасов А., Тухлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқа луғат-маълумотнома.- Т., 2004.

Андижон давлат университети,
Андижон давлат тиббиёт институти
2014 йил 6 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ҳ.Қўчқоров)